

**“Ўзтрансгаз” АЖ**  
акциядорлар умумий йиғилишининг  
2024 йил 7 августдаги қарори билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг ижроия  
органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**Тошкент – 2024 йил**

**МУНДАРИЖА**

I. Умумий қоидалар	3
II. Асосий тушунчалар	3
III. Ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори	4
IV. Ижроия органига рағбатлантириш тўловларини тўлашдаги чекловлар	8
V. Ижроия органини рағбатлантириш манбалари	9
VI. Яқунловчи қоидалар	9

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом (*кейинги ўринларда - Низом*) “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги жамиятлар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарори ва 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низом, Давлат иштирокидаги жамиятлар учун корпоратив бошқарув қоидалари ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖ (*кейинги ўринларда - жамият*) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу низом жамият ижроия органини муносиб моддий рағбатлантириш ҳамда жамият молия-хўжалик фаолияти натижадорлиги учун ижроия органи манфаатдорлигини ошириш мақсадида, жамиятнинг ижроия органига ҳақ тўлаш асоси, рағбатлантиришни ҳисоблаш тартиби ҳамда тўлаш манбаларини белгилайди.

3. Жамиятнинг ижроия органи учун ҳақ ва рағбатлантириш пулларини ҳисоблаш ва тўлашда иштирок этадиган барча ходимлари учун низом талаблари бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ижроия органига кўшимча рағбатлантириш тўловларини тўламаслик ва (ёки) харажатларни қопламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга, Кузатув кенгаши ва унинг қошидаги Тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича кўмитанинг (*кейинги ўринларда – Кўмита*) ижроия органига кўшимча рағбатлантириш тўловларини тўлаш ва (ёки) харажатларни қоплаш бўйича тавсияларини инобатга олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

## II. Асосий тушунчалар

5. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ижроия органи** – жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишни амалга оширувчи бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари.

**Жамият бошқарув органи** – акциядорнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши.

**Бизнес-режа** – жамият молия-хўжалик фаолиятининг асосий режа кўрсаткичларини ҳамда ҳисобот даври учун кўрсаткичларни чораклар кесимидаги мақсадли қийматларини акс эттирувчи, бошқарув органи томонидан тасдиқланган (маъқулланган) ҳужжат.

**Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК)** – жамият бизнес-режасининг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида

акс эттириладиган жамиятнинг стратегик ривожланиш режаларига асосланган, ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган, миқдорий ўлчовга оид баҳолаш мезонларидан иборатдир.

**Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК)** – жамият ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК) бўйича ўртача ҳисобланган миқдори.

**Бонус** – ижроия органининг йил якунлари бўйича фаолияти самарадорлиги юқори баҳоланган ҳамда соф фойданинг режа кўрсаткичи бажарилган тақдирда, унга жамиятнинг тегишли бошқарув органи қарорига асосан бир йўла тўланадиган қўшимча рағбатлантириш тури.

### **Ш. Ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори**

6. Жамият ижроия органига ҳақ тўлаш қуйидаги тўловларни ўз ичига олиши мумкин:

6.1. Лавозим маоши (оклади);

6.2. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра тўланадиган рағбатлантириш тўловлари;

6.3. Бонуслар;

6.4. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси;

6.5. Компенсация тўловлари.

Бунда, 6.1, 6.4 ва 6.5 кичик бандларида кўрсатилган тўловларни амалга ошириш учун жамият бошқаруви органининг алоҳида қарорини қабул қилиш талаб этилмайди.

7. Жамият бошқарув раиси ва унинг биринчи ўринбосарларига, ўринбосарларига ҳамда ҳорижий консултантга эгаллаб турган лавозимига, малакавий талабларига ва бажарадиган ишлари таркиби билан боғлиқ бўлган, бошқарув аъзолиги учун қуйидаги миқдорларда қатъий белгиланган лавозим маоши белгиланади:

- жамият бошқарув раисига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 60 (олтмиш) баробари;

- жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосарларига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 55 (эллик беш) баробари;

- жамият бошқарув раисининг ўринбосарларига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 55 (эллик беш) баробари;

- ҳорижий консултантга – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 30 (ўттиз) баробари;

8. Жамият ижроия органи аъзоларининг лавозим маоши ҳар ойда амалда ишлаган вақти учун тўланади.

9. Рағбатлантириш ижроия органига жамиятни бошқариш самарадорлигини оширишдан ва унинг ҳисобот даври учун ривожланиш стратегияси ва бизнес-режасида белгиланган мақсадларга (режа кўрсаткичларига) эришишдан манфаатдорлигини таъминлаш учун тўланади.

Бунда, рағбатлантириш йил якуни бўйича фаолият натижалари бўйича амалга оширилади.

10. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш тўловлари жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган миқдорда соф фойда олинган тақдирда, фаолият самарадорлиги баҳоланганидан кейин амалга оширилади ва бажарилган ишларига мос равишда қуйидаги мезонларга ажратилади: **етарли даражада эмас, ўртача даражада, етарли даражада ва юқори даражада.**

11. Жамиятнинг бошқарув органи томонидан тасдиқланган жамият бизнес-режасининг кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, СМКни бажариш бўйича ижроия органининг **ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилади.**

12. Ижроия органи фаолияти самарадорлиги натижалари бўйича рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

13. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича ҳар йили тўланадиган рағбатлантириш тўловлари миқдори **жамиятнинг бизнес-режасида белгиланади**, бироқ рағбатлантириш тўловларининг энг кўп миқдори лавозим маошининг (окладининг) **1 (бир)** баробари миқдорида ўрнатилади.

14. Ҳисобот даврида жамият ижроия органи раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириш пули миқдорини СЙКга кўпайтириш йўли билан қуйидаги **формула** орқали аниқланади:

**$R_{\text{чор}} = K_{\text{БР}} \times L_{\text{окд}} \times \text{СЙК} \times K$** , бунда:

**$R_{\text{чор}}$**  – ҳисобот чораги якуни бўйича жамият бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш миқдори;

**$K_{\text{БР}}$**  – бизнес-режада белгиланган жамият бошқарув раиси ва аъзоларини рағбатлантириш миқдори (коэффициенти);

**$L_{\text{окд}}$**  – жамият бошқарув раиси ёки ўринбосарининг, ҳорижий консултантни амалдаги лавозим маоши (ҳисобот чораги бошига ёки меҳнат шартномаси тузилган санага);

**$\text{СЙК}$**  – ҳисобот чораги якуни бўйича СМКнинг йиғинди кўрсаткичи (коэффициенти);

**$K$**  – қуйидаги формула билан аниқланадиган, амалда ишлаган даври:

**$K = K_{\text{амл}} / K_{\text{норм}}$**

*Камл – ҳисобот даврида ишлаган кунлар сони;*

*Кнорм – ҳисобот даврида меъёр бўйича иш кунлари сони;*

*Ҳисобот даврида ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг ҳақиқатда ишлаган кунларига уларнинг меҳнат таътилидаги, касаллик варақасидаги, малака ошириш таътилидаги ва ўз ҳисобидан таътилдаги (агарда 15 календар кунидан ошмаса) бўлган кунлари сони ҳам киради.*

Бунда, бошқарув органи ёки Қўмитанинг қарорига биноан ижроия органининг жамият фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти қўлланиши мумкин.

15. Агар СЙК ва унинг бажарилиши фоизи барча СМКнинг камида **ярмида прогноздан** (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, жамиятнинг олий бошқарув органи (акциядорлар умумий йиғилиши) қарорига асосан бошқарув раиси ва аъзоларини мукофотлаш миқдори **бизнес-режада назарда тутилган** мукофотлаш миқдorigа нисбатан **икки баробар оширилиши** мумкин.

16. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш тўловларини тўлаш кузатув кенгашининг (у мавжуд бўлмаганда акциядорлар умумий йиғилиши) қарорига мувофиқ ҳар йили амалга оширилади.

17. Агар йил (чорак) давомида жамият ижроия органи аъзолари янги таркибда сайланган бўлса ёки унинг бир ёки бир неча аъзоси ўзгарган бўлса (сайланган бўлса), у ҳолда жамият ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш тўловлари уларнинг ҳақиқатда ишлаган даврига мутаносиб равишда тўланади.

18. СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажарилиши аудиторлик ташкилоти томонидан, йил якунлари бўйича аудит ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг алоҳида қўшимча предмети доирасида ёки алоҳида аудиторлик ташкилоти томонидан турдош хизматлари кўрсатиш йўли билан текширилиши лозим.

19. Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, илгари ҳисобланган СМК, СЙК миқдори ва уларнинг бажарилиш фоизларига зарур аниқликлар киритилади. Агар СМК, СЙК миқдorigа ва уларнинг бажарилиши фоизларига киритилган аниқлаштиришлар натижасида:

жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган тўловлар миқдорини яхшилаш учун уларни **қўшимча равишда ҳисоблаб чиқиш зарурлиги аниқланганда** мазкур ижобий фарқ ҳисобот йилидаги иш якунлари бўйича уларга тўланадиган рағбатлантириш пуллари тўланаётганда тўғриланади;

**ортиқча тўланган тўловларни ушлаб қолиш заруриятини** келтириб чиқарувчи ҳолат аниқланганда, жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзоларига илгари тўланган тўловлардаги салбий фарқ ҳисобот йилидаги

иш якунлари бўйича уларга рағбатлантириш пуллари тўланаётганда тузатилади ёки уларнинг розилиги билан **иш ҳақидан ушлаб қолинади** ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда қопланади.

20. Агар йиллик СЙК миқдори **100 фоиздан** ортиқни ташкил этса ҳамда соф фойданинг режа кўрсаткичи бажарилган бўлса, жамият бошқарув раиси ва аъзоларига жамиятнинг олий бошқарув органи (акциядорлар умумий йиғилиши) қарори билан соф фойданинг режадан ошириб бажарган қисмидан қуйидаги тартибда **бонус** тўланиши мумкин:

режа 10 фоиздан 20 фоизгача ошганда бонус миқдори - **1 фоизгача**;

40 фоизгача ошганда – **2 фоизгача**;

60 фоизгача ошганда – **3 фоизгача**;

80 фоизгача ошганда – **4 фоизгача**;

100 фоизгача ва ундан ортиқ ошганда – **5 фоизгача**.

*Эслатма, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга жамиятларда бонус тўлаш бўйича бошқача тартиб жорий қилиниши мумкин. Бунда, ушбу жамиятларда тарифлар ва нархлар оширилмаган тақдирда (солиштирма нархларда), **ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа харажатларни оптималлаштириш** ҳисобига эришилган қўшимча соф фойдадан бонус тўлаш тартиби йўлга қўйилиши мумкин.*

21. Жамият бошқарув раиси ва аъзоларига бонусларни тўлаш йил якуни бўйича амалга оширилади.

22. Бонуснинг шахсий миқдори Бонус олиш ҳуқуқига эга ҳар бир ижроия органи аъзоси учун Бонус ҳисобланадиган ҳисобот йилида ҳисобланган жами лавозим окладининг Бонус олиш ҳуқуқига эга бўлган барча ижроия органи аъзоларига ҳисобланган лавозим окладларининг умумий миқдоридagi улушини ушбу Тартибнинг 20-бандида кўрсатилган Бонус миқдorigа кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

23. Бонус ҳисобот йилида **6 ойдан ортиқ** ишлаган жамият бошқарув раиси ва аъзоларига тўланади.

24. Ижроия органига вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ва компенсация тўловлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. “Ўзтрансгаз” АЖ жамоа шартномаси шартлари Ижроия органига қўлланилади.

#### **IV. Ижроия органига рағбатлантириш тўловларини тўлашдаги чекловлар**

26. Жамият ижроия органига қуйидаги ҳолларда ижроия органи фаолияти **самарадорлигини баҳолаш натижалари билан боғлиқ ҳар қандай рағбатлантириш тўловлари ва Бонусларнинг** ҳисоблаш ва тўлашга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

- ижроия органи фаолияти самарадорлиги **қониқарсиз ёки паст даражада баҳоланганда** ва/ёки уларнинг фаолияти умуман баҳоланмаганда;

- бошқарув раиси ва/ёки аъзоларига нисбатан Ҳукумат ёки Кузатув кенгаши томонидан интизомий жазо чораси қўлланилганда;

- жамиятнинг йиллик соф фойдаси миқдори жами тўланиши лозим бўлган рағбатлантириш маблағлари миқдоридан кам бўлганда.

Шунингдек, Қўмитанинг хулосасига асосан Кузатув кенгаши томонидан рағбатлантириш маблағларини тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

26. Ижроия органи фаолияти самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай уйғунликда) ва/ёки умуман баҳоланмаган бўлса, ёхуд унинг натижалари Давактив агентлиги расмий веб-сайтида жойлаштирилмаган бўлса, жамият акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан жамият бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

Агарда ижроия органи аъзолари ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинса, унга ҳисобот давридаги белгиланган рағбатлантиришни ҳисоблаш ва тўлаш жамият ижроия органи аъзоси вазифасини бажарган ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

#### **V. Ижроия органини рағбатлантириш манбалари**

27. Жамият ижроия органини рағбатлантириш тегишли бошқарув органининг қарори қабул қилингандан сўнг, 1 (бир) ой ичида тўланади.

28. Тегишли бошқарув органи қарори асосида қабул қилинадиган жамият бошқарув раиси буйруғи билан рағбатлантириш амалга оширилади.

29. Жамиятнинг айланма (пул) маблағлари ҳисобот даври учун ижроия органига ҳақ тўлаш манбаси ҳисобланади.

30. Жамиятнинг ҳисобот даври учун соф фойдаси ижроия органига бонус тўлашнинг манбаси ҳисобланади.

#### **VI. Яқунловчи қоидалар**

31. Мазкур Низом жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг, акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

32. Низом акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва уни бекор қилингунга ёки рағбатлантириш тўлаш бўйича янги низом қабул қилингунга қадар амал қилади.

Бунда, акциядорлар умумий йиғилишининг низомни тасдиқлаш, ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

33. Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар қонунчиликка, жамият Уставига, ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан киритилиши мумкин.

Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланганидан сўнг, кучга киради.

34. Мазкур Низомда белгиланган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

35. Жамиятнинг корпоратив бошқарув органларида низоларни ҳал этишнинг иложи бўлмаса, ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган ижроия органи аъзоси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд органларига мурожаат қилишга ҳақли.

36. Агарда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки жамиятнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар натижасида ушбу низомнинг алоҳида қоидалари (талаблари) бандлари уларга зид келса ёки мос бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки жамиятнинг Устави нормалари амал қилади.

37. Мазкур Низомга асосан жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ миқдорлари у билан тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланиши лозим.